



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (11.663)

Баҳоси эркин нарҳда

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26 май куни Андижон вилоятида бўлди.

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий корхоналар, кенг ва раво йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётди.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 11 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Андижон кейинги йилларда мамлакатимизнинг саноати жадал ривожланаётган вилоятларидан бирига айланди. Асададаги автомобиль заводиди ишлаб чиқариладиган энгил машиналар наинки мамлакатимизда, балки хорижда ҳам харидордир. Саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш давом этаётди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ, вилоятдаги экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватланаётгани уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омили бўлмоқда. Натижада 2010 йилнинг биринчи чорагида вилоятда экспорт ҳажми 59,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Президентимиз Андижон вилоятига сафарини ҳарбий қисмларнинг биридан бошлади. Юртбошимиз ҳарбийларнинг яшаш шароити билан қизиқди. Бу борадаги ишлари янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ҳар доим долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Кейинги йилларда Андижон вилоятида ҳам сервис ва хизмат кўрсатиш со-

ҳаси изчил ривожланиб бораётди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқларда савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари сони тобора ортмоқда. Утган йили вилоят туманларида саккизта замонавий савдо мажмуалари ишга туширилди. Бу аҳолига катта қулайликлар яратиб, жойлардаги инфратузилма ривожига хизмат қилмоқда.

Хўжабод туманида бунёд этилган савдо мажмуаси ўзининг кўркам қиёфаси, сервис ва хизмат кўрсатиш шароитининг юқорилиги билан Андижондаги энг гажум масканлардан бирига айланди.

Замонавий талаблар асосида бунёд этилган йигирмадан зиёд савдо дўкони, минибанк ва дорихонаи ўз ичига олган мажмуада сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган.

Мажмуада "Ўзэлтханоат", "Файз ҳолдинг", "Ўзбекенгилсаноат" сингари йирик уюшма ва компанияларда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат, саноат ва тўқимачилик маҳсулотлари сотилмоқда.

Президентимиз савдо мажмуаси фаолияти билан танишди.

Қишлоққа саноатни олиб кириб, маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркор ва фермерларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларга янада кенгрок имкониятлар яратиб беришимиз лозим, — деди Ислон Каримов. — Одамларнинг онгу шуури, дунёқарашини бутунлай ўзгарди. Бугун улар аввало сифатли маҳсулотни харид қилади. Демак, мажмуада сотиладиган ҳар бир маҳсулот, кўрсатиладиган хизмат бугунги кун талабига жавоб бериши керак.

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, замонавий сервис хизмати кенгайтириш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар салмоғини янада оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Асака ва Олтинқул туманларида намунавий лойиҳалар асосида олтишта уй қуриб битказилди.

Юртбошимиз Олтинқул туманидаги "Иттифок" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган ана шундай замонавий уйлари кўздан кечирди. Бу уйларга кўчиб қирган хонадон соҳиблари билан суҳбатлашди.

— Албатта, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар, янги йўллар, сув, газ ва электр тармоқларини барпо этиш, умуман инфратузилmani кенг ривожлантириш одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартиради, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, — деди Юртбошимиз. — ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш учун аввало фарзандларимизга муносиб шароит яратиб беришимиз керак.

— Бундай кўркам, барча шароит ва қулайликларга эга уйларда яшашни илгари фақат орзу қилар эдик, — деди янги хонадон соҳибаси Асалхон Расулова. — Одам бунақа замонавий уйда яшаса ҳаётга муносабати ҳам ўзгарар экан.

Баркамол авлод йилида Андижон вилоятида намунавий лойиҳа асосида 620 турар-жой барпо этилади.

Юртбошимиз Андижон шаҳрининг Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқроқ талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуасини бориб кўрди. Бу ерда ёшларнинг машғулотлар ўтказиши, дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Президентимиз мажмуа номини Андижон футбол коллеж-интернати деб аташни таклиф этди. Бу ерда спорт билан шуғулланадиган ёшлар нафақат жисмоний бақувват, айна вақтда юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб тарбияланиши лозим. Бунинг учун тажрибали мураббийларни жалб этиш, мав-

жуд имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Болалар шаҳарчасини 16 замонавий уй-жой, сузиш ҳавзаси, бокс ва гимнастика заллари, стадионни ўз ичига олган спорт мажмуаси, ёзги амфитеатр ва мусиқа залига эга ҳақиқий шаҳарча дейиш мумкин. Ушбу масканда 112 нафар бола тарбияланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур шаҳарчада бўлиб, болалар билан суҳбатлашди. Уларнинг ўқиши, келажақдаги режалари билан қизиқди. Яшаш шароитини кўздан кечирди. Ислон Каримов Болалар шаҳарчасига Самарқанд автомобиль заводиди ишлаб чиқарилган автобус совға қилди. Болаларнинг барчасига турли ўйинчоқлар туҳфа этилди.

28 май куни Андижонда «Универсиада – 2010» ўйинлари бошланади. Универсиада мусобақалари олдидан Андижон шаҳрида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мусобақалар ўтказиладиган 31 объект замон талаблари асосида таъминланди. Жумладан, асосий беллашувлар бўлиб ўтадиган Андижон давлат университети, қишлоқ хўжалик институти, чет тиллар институти, тиббиёт институти, Олимпия захиралари спорт коллежи янгича қиёфа касб этди. Мавжуд спорт заллари таъмирдан чиқарилди ҳамда зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди. Мусобақа иштирокчилари учун барча қулайликлар яратилди.

Президентимиз "Универсиада – 2010" мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтадиган "Соғлом авлод" стадиониди таъйёргарлик ишлари билан танишди.

Юртбошимиз Андижон вилоятида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини таъкидлар экан, хали қилиниши зарур бўлган вазибаларга алоҳида эътибор қаратди ва тегишли топшириқлар берди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА махсус муҳбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Эртага Андижонда мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг финал босқичи бошланади.

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Болаларнинг файрижтимоий ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги долзарб вазибалар ва устувор йўналишлар» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

• Хоразм вилояти Янгиариқ туманининг Таган қишлоғида «Ғишт таъминот» масъулияти чекланган мажияти фаолият бошлади. Натижада қишлоқ ёшларидан 50 нафари муқим иш ўрнига эга бўлди. Ҳозирда корхонада ойига 15 миллион сўмлик пишиқ ғишт тайёрланмоқда.

• Когон шаҳрида ўрта махсус, касб хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Йил китобхони» республика кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда қатнашган ёшлар турли шартлар бўйича ўзаро беллашиб, китобхонлик борасидаги салоҳиятини намойиш этдилар.

• Асака шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида «Соғлом она — соғлом келажак» шиори остида фестиваль ўтказилди. Тадбирда «Ибратли қайнона», «Ёш оила», «Ибратли келин» танловларининг ғолиблари тақдирланиб, «Ибрат мактаби», «Қайноналар мактаби» томонидан олиб бориладиган ишларнинг кўргазмалари намойиш этилди.

• «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши қошида ташкил этилган «Иқтидорли ёшлар мактаби»нинг иккинчи авлод битирувчиларига гувоҳномалар топшириш маросими бўлиб ўтди. Мактаб тингловчилари уч ой мобайнида олтига йўналиш бўйича малакали ва тажрибали мураббийларнинг ўқув-машғулоти асосида ўз билим ва тажрибаларини бойитишди.

ЖАҲОНДА

• Германия иқтисодий ислоҳотлар ўтказмоқчи. Ҳукумат амалдаги ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, давлат бюджетини тежаш лойиҳасини ишлаб чиққан. Унга кўра, 2006 йилга қадар ҳар йили давлат харажатлари 10 миллиард евродан камайтириб борилади. Шу билан бирга баъзи тармоқлардан олинадиган солиқ ставкалари кўтарилади. Мамлакат шу йўл орқали бюджет тақчиллигининг олдини олмақчи.

• Франция саноат вазири Кристиан Эстроза ҳукумат пенсия ёшини ўзгартиришни мўлжаллаётгани ҳақида баёнот берди. Ҳозир қасаба уюшмалари ва иш берувчилар федерацияси билан бу борада маслаҳатлашув олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакат фуқаролари 60 ёшда пенсияга чиқади. Пенсия ёши қандай ўзгартирилиши эса ҳозирча номаълум.

• Кеча Польшанинг Маронг шаҳрига АҚШнинг «Пэтриот» русумли ракетага қарши мудофаа тизими келтирилди. Мамлакатга ракетага қарши мудофаа тизимини элементларининг ўрнатилишига қарши бир нечта шаҳарда норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

• Кеча Ставрополдаги маданият уйларининг бири атрофида концерт бошланиши олдидан портлаш содир этилганлиги натижасида олти киши ҳалок бўлди, 40 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирча ушбу террорчилик ҳаракатини ҳеч қандай ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ.

• Япониянинг «Nissan motors» автомобилсозлик компанияси 2005-2007 йилларда савдога чиқарилган 130 минг донадан кўпроқ машинани қайтариб олишини билдирди. Гап шундаки, «Infiniti G-35» русумли мазкур автомобилларнинг хавфсизлик ёстикчаларида муаммо борлиги аниқланган. Бу эса, табиийки, ҳайдовчиларнинг ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ҲАР БИР ФАРЗАНДГА — МЕҲР ВА ЭЪТИБОР!


Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик жамият, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби улғувор мақсадлар йўлида изчил амалга ошириладиган кенг қўламли ислоҳотлар негизиди ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимизда бошланган «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!» махсус ҳафталигида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий маслаҳатуи маркази, Болалар ва оила-

ларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси томонидан бир қатор вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ҳафталик тадбирларига юртимиздаги Меҳрибонлик ва Муруват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари кенг жалб этилади.

(Давоми 2-бетда).



«Файз» холдинг компанияси ўз фаолияти давомида мамлакатимиз иқтисодиётига ва ижтимоий ҳаётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган йирик ишлаб чиқариш корхонаси саналади.

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Бозор талабларини чуқур ўзлаштирган мазкур компания мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хорижий сармояларни жалб қилиш ва аҳолини сифатли мебель маҳсулотлари билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу билан бирга ижтимоий масъулият тамойилларига амал қилган

ҳолда компания томонидан кейинги уч йил ичиди биргина Сергели туманидаги таълим ва тиббиёт муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органларига деярли 1,5 миллиард сўм миқдорида ҳоимий ёрдами

кўрсатилди. Бугунги кунда «Файз» мебельсозлари олдида катта вазибаларни қўйиб, юксаклик сари оидмалб боришни давом эттираётди.

Миржамол ХАТАМОВ СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа

тадбир халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий ҳамда ахборот маркази томонидан ташкил этилмоқда.

• **КЕЧА** Учтепа туманидаги 116-мактабда Халқ таълими бош бошқармаси томонидан пойтахт ўқувчилар ижодиёт маркази билан ҳамкорликда ёз мавсумида болаларнинг мазмуни дам олишини ташкил этиш масалаларига бағишланган шаҳар семинари уюштирилди.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларининг хабарларидан.

• **ТОШКЕНТ** юридик коллежиди ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда ёш авлод тарбиясининг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• **ЭРТАГА** Ўзбекистон давлат консерваториясида болалар ва ўсмирлар хор жамоаларининг республика кўрик-фестивали ўтказилади. Мазкур

Куни кеча Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Жамоатчилик кенгаши томонидан назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда мамлакатимиз раҳбарининг тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлари ижросини изчил таъминлаш масалаларига бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди.

Қарор ва ижро

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Тадбирда кейинги йилларда қабул қилинган қўллаб-қувватлаш ҳужжатлар авваломбор иқтисодий тартибдор ривожлантириш, эркин тадбиркорлик фаолияти кафолатларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи Аҳмаджон Қосимов молиявий тадбиркорликни микрокредитлаш борасидаги ишларга тўхталиб ўтди. Хусусан, «Микрокредит-банк» томонидан ажратилаётган сармоялар тадбиркор сафини кенгайтиришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Семинарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлиғи ва экспорт салоҳиятини оширишда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бунинг пировадда корхоналарнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорда барқарор ишлаш имконини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда қатнашган тадбиркорлар назорат қилувчи органлар вакиллари га саволлар билан муносабат қилиб, мутасаддилардан жавоб олишга муваффақ бўлди. Қарор ва фармонлар ижросини таъминлашга бағишланган йиғилишда қатор таклифлар ҳам киритилди.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамкорлигида ташкил этилган концертда республика ва халқаро кўрик-танловлар, ижодий фестивалларда голиб бўлган ёш мусиқачилар ижоди томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсон, юксак маънавият, теран тафаккур соҳиблари этиб вояга етказиш, бадий диди, эстетик дунёқарашини шакллантириш, жаҳон ва миллий мусиқа санъатининг нодир намуналаридан баҳраманд этиш йўналишидаги эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фа-

Албатта, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлида имкониятлар эшиғи очилди, уларга ҳар томонлама ёрдам берилмоқда, бу, ўз навбатида, тадбиркорлар сафининг биринчи галда сифат жиҳатидан орттиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Пировадда рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматлар тури ортмоқда, кўшимча ишчи ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланаёпти.

«Tinos» масъулияти чекланган жамиятида ҳам йил сайини ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулотнинг бозориги турлари, ишчилар сафи ортиб, уларга қулай шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2005 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхонада 25 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Бугунги кун-

Ёшлар — келажакимиз

ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Баркамол авлод — мамлакат келажиги» деб номланган концерт бўлиб ўтди.

олиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш баробарида мусиқий таълимни сифат ва мазмун жиҳатдан янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўзбекистонлик ёш мусиқачиларнинг халқаро миқёсда ўтказилаётган нуфузли кўрик-танловларда совринли ўрин-

ларни эгаллашида муҳим омили бўлмоқда. Ҳамюртларимизнинг АКШ, Буюк Британия, Италия, Франция, Руминия, Германия каби давлатларда ўтган халқаро фестивал ва кўрик-танловлардаги ижодий ютуқлари бунинг ёрқин далилидир.

Концертда Ўзбекистон Ўсмирлар симфоник оркестри жамоаси, ёш мусиқачилар Искандар Мамадалиев, Илхом Муҳиддинов, Адишер Пўлатов, Анна Холиқова, Зулфия Баширова, Динора Шаҳиддинова иштирокида жаҳон ва ўзбек композиторларининг асарлари ижро этилди.

(ЎЗА)

Кичик бизнес

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР САМАРАСИ

Жорий йилда республикамизда 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш режалаштирилган.

да деярли ҳар бир вилоятда корхона филиаллари очилиб, кўшимча ишчи ўринлари яратишга сазой ҳаракат қилинмоқда.

«Tinos» мебеллари

ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ёғочни қайта ишлаш асосида тайёрланаётган замонавий дизайндаги мебеллар хонадон ва идораларга

файз бағишлайди. Ошхона тўпламлари ва болалар мебеллари ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Бунёдкорлик ишлари авж олган, кўркам иншоотлар, замонавий турар жой бинолари қад ростлаётган бугунги кунда корхона томонидан 40 хил турдаги эшиклар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада қурилиш ташиқлотлари билан ҳамкорлик самараси ибратлидир.

Корхонада Туркиянинг ёғочни қайта ишлаш ускуналари ўрнатилган. Бугунги кунда уларнинг қувватидан самарали фойдаланиш баробарида модернизация қилиш, қайта технологик жиҳозлаш ишларига ҳам тараддуд бошланган. Яқин орада корхонада ётоқхона ва ошхона мебеллари янги турларини ишлаб чиқариш белгиланган.

Нодирбек ШОМУРОДОВ

Касаба уюшмаларида

ФАОЛ ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бугунги кунда юртимизда эртаимиз издошлари бўлган ёшларнинг жисмонан ва маънан етук бўлиб шаклланишида кенг қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу борада Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳам ташаббус билан чиқиб, фаол, аълочи талаба ва ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб келмоқда.

Бу хайрли иш анъанага айланган бўлиб, 1998 йилдан бери кенгаш қарори билан таътиқ этилаётган.

Куни кеча устоз-мураббийлар ва касаба уюшмалари фаоллари иштирокида олий ўқув юртинининг беш нафар талабасига «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши стипендианти» гувоҳномаси, ўн беш нафар ўрта-маҳсус ўқув муассасаси



лари ўқувчиларига қимматбахона совғалар топширилди.

Бизга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун барча тенгдошларимиз номидан миннатдорчилик билдираман, — деди Ўзбекистон Мил-

лий университети талабаси Тунис Ҳожиёв. — Биз, ёшларга яратилаётган бундай имкониятлар истикбол, келажак сари қилинаётган сазой ҳаракатдир. Тенгдошларимизнинг бундай имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилишини истаб қоламан.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарори асосида Тошкент шаҳридаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бўлими томонидан ўтказилаётган режали текширишлар жараёнида баъзи ҳолларда электр хўжалиғи учун жавобгар шахснинг электр ускуналарида фойдаланиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларидан тўлиқ воқиф эмаслиги аниқланмоқда.

Яши маълумки, ҳозирги вақтда бутун жаҳонда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, электр энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланиш, кам харажат эвазига кўп маҳсулот ишлаб чиқариш долзарб масалалар қаторига кириди. Таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи

субъектлар томонидан электр энергиясидан нооқилона фойдаланиш ҳолатлари, электр қурилмаларнинг белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб бермайдиган ҳолатларда бўлишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасадан Истеъмолчилар электр

қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларининг 11-банди талабига асосан электр хўжалик бўйича жавобгар шахс тайинланиши лозим. Қоида талабларида жавобгар шахснинг асосий вазибаларига электр ва иссиқлик энергиясини иқтисод қилиш, мавжуд қурилмаларни янги замонавий

технологияга мос ускуналар билан алмаштириш, маҳсулот бирлигига сарф бўладиган электр ва иссиқлик энергиясининг солиштирма меъёрларини ишлаб чиқиш ишларида қатнашиш, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш, шунингдек электр ва иссиқлик энергияси захиралари-

ни аниқлаш бўйича тадбирлар тузиш, электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчи хисоботларини тайёрлаш, электр қурилмаларини белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган техник ҳолатда сақлаб туриш кириди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, эслатиб ўтамизки, ҳар бир раҳбар ўз тасаруфидоги жамоада электр хўжалиғи бўйича жавобгар шахс тайинлаши лозим. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олди олинади.

М. ИСОҚОВ, К. МИРКОМИЛОВ, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими нозирлари

ҲАР БИР ФАРЗАНДАГА — МЕҲР ВА ЭЪТИБОР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга жорий қилинган «Ўзбек модели»нинг муҳим қисми бўлган аҳолини кучли иқтисодий ғимоя қилиш йўналишида олиб борилаётган эзгу ишларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни жисмонан соғлом, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш, ўз қизиқиши ва иқтидори бўйича касб-хунарга йўналтириш алоҳида ўрин тутди. Бу борада «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар, қатор фармон ва қарорлар, давлат дастурлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган.

Юртимиздаги кўплаб таълим, соғлиқни сақлаш, спорт-соғломлаштириш, бадий ижодиёт марказлари фарзандларимизнинг замонавий билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, миллий қадриятларимиз руҳида камолга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан юртимиздаги умумтаълим, болалар мусиқа ва санъат, спорт мактаблари, бадий ижодиёт марказлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар, оилавий поликлиникалар, болалар шифохоналари тубдан таъмирланиб, зарур жиҳоз ва ускуналар, техник воситалар билан таъминланмоқда.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар иқтисодий молашуви маркази билан ҳамкорликда ота-она меҳридан бебаҳра болаларни иқтисодий, ҳуқуқий ва тиббий ғимоялаш, уларнинг эзгу интилишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратаётган. Мазкур жамоат ташкилотлари томонидан муваффақиятли амалга оширилаётган лойиҳалар, грант-дастурлар, семинар ва анжуманлар, халқаро форумлар, ижодий кўрик-танловлар бунинг ҳаётий натижасидир. «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги ана шундай йирик лойиҳалар сирасидан.

Ҳафталик доирасида пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат болалар, театрлар, маданият ва санъат қосонналаридан кичикинтойлар учун турли концертлар, байрам сайллари, театрлаштирилган томошалар, ижодий кўрик-танлов ва фестиваллар, спорт мусобақалари, спартакиадалар, хайрия марафонлари, иқтисодий акциялар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Ҳафталик доирасида Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ташкил этиладиган болалар ижодиётига оид кўргазмалар ёш авлод истеъдодини намойиш қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Маҳаллалар, турар жойлар, таълим масканларида ҳуқуқшунослар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар иштирокида Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳамиятига бағишлаб ўтказиладиган давра суҳбатлари ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимини бойитишга хизмат қилади.

Лойиҳа давомида маҳаллаларда, ахборот ресурсларида болалар учун ёзувчи ва шоирлар иштирокида ижодий анжуманлар, адабий кечалар, учрашувлар ташкил этилиши режалаштирилган. Бўстонлик туманининг хушманзара масканларига, шаҳримиздаги маданият ва истироҳат, ҳайвонот, Ботаника боғларига, театрлар, музейлар, маданий-тарихий обидалар, истиклол йилларида барпо этилган майдонлар, хиёбонлар, иншоотларга юштирилаётган сарҳад ва экскурсиялар ҳафталикнинг янада қизиқарли кечилишида алоҳида аҳамият касб этади.

Барча маҳаллаларда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари улашилади. Тадбир доирасида Тошкент шаҳри, Андижон, Навоий вилоятларидаги болалар шифохоналари, махсус мактаб-интернатларга тиббий мосламалар, жиҳозлардан иборат мурувват ёрдамлари кўрсатилади. «Биз соғлом турмуш тарafdоримиз!», «Мустақил юрт фарзандиман», «Бахтиёр болалар», «Отам, онам ва мен — бахтли оила» каби мавзуларда фестивал ва ижодий кўрик-танловлар, очик машғулотлар ўтказилади. Меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизлари учун миллий бадий фильмлар намойиш этилади.

Жорий йилнинг 3 июнига қадар давом этидиган ҳафталик ёш авлод камолоти йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Назokat УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Санъат

ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ёш томошабинлар театрида Баркамол авлод йилига бағишлаб мактаб ўқувчиларидан иборат тузилган «Ўзи битта» (254-мактаб), «Универсал» (115-мактаб), «Энг, энг, энг» (92-мактаб) жамоалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти томонидан ташкил этилди. Қўзланган мақсад эса, тадбирда таъкидланганидек, ўсмир-ёшларнинг маънавий оламини кенгайтириш, уларни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш, турли иллатлардан ғимоя қилишидир.

Беллашувда учала гуруҳ аъзолари бор билим ва маҳоратини намойиш этди. Айниқса ўқувчилар ҳозирги кундаги долзарб муаммоларни саҳна кўринишларида моҳирона ижро этиб, йиғилганлар эътиборини тортди. Танишув, савол-жавоб ҳамда эркин мавзулар бўйича 92-мактабнинг «Энг, энг, энг» жамоаси биринчи ўринга, 115-мактабнинг «Универсал» ва 254-мактабнинг «Ўзи битта» жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди.

Мухтасар КАРИМОВА

ЖҲҒЛМ ДҒПД АСҒРЛДР

Давоми. Боши 3-бетда.

04.30 ТВ - анонс. 04.35 Телевизор: «Акс-ука совчилар».

06.30 «Салом, йшлар!» 07.10 «Дарвин боласи».

08.00 «Кор алангаси». Т/с. 08.40 «Йшон психологияси».

09.10 «Таджик кўрсакари». Т/с. 09.50 «ДЭХ».

10.00 «Дарв». 10.10 «Баркамоллик йўлидан».

10.30 «Катта ўйин». 11.10 «Йишадат фаршати».

11.30 «Мушқазий дўна». 12.00 «Чоқиш». Т/с.

12.50 «ДЭХ». 13.00 «Дарвин боласи».

01.00 Тунги хабарлар. 01.10 «Хайри тун!».

04.00 «Дарвин боласи». 04.30 «Салом, йшлар!».

05.00 «Кор алангаси». Т/с. 05.40 «Йшон психологияси».

06.30 «Салом, йшлар!» 07.10 «Дарвин боласи».

08.00 «Кор алангаси». Т/с. 08.40 «Йшон психологияси».

09.10 «Таджик кўрсакари». Т/с. 09.50 «ДЭХ».

10.00 «Дарв». 10.10 «Баркамоллик йўлидан».

10.30 «Катта ўйин». 11.10 «Йишадат фаршати».

04.00 «Дарвин боласи». 04.30 «Салом, йшлар!».

05.00 «Кор алангаси». Т/с. 05.40 «Йшон психологияси».

06.30 «Салом, йшлар!» 07.10 «Дарвин боласи».

08.00 «Кор алангаси». Т/с. 08.40 «Йшон психологияси».

09.10 «Таджик кўрсакари». Т/с. 09.50 «ДЭХ».

10.00 «Дарв». 10.10 «Баркамоллик йўлидан».

10.30 «Катта ўйин». 11.10 «Йишадат фаршати».

11.30 «Мушқазий дўна». 12.00 «Чоқиш». Т/с.

04.00 «Дарвин боласи». 04.30 «Салом, йшлар!».

05.00 «Кор алангаси». Т/с. 05.40 «Йшон психологияси».

06.30 «Салом, йшлар!» 07.10 «Дарвин боласи».

08.00 «Кор алангаси». Т/с. 08.40 «Йшон психологияси».

09.10 «Таджик кўрсакари». Т/с. 09.50 «ДЭХ».

10.00 «Дарв». 10.10 «Баркамоллик йўлидан».

10.30 «Катта ўйин». 11.10 «Йишадат фаршати».

11.30 «Мушқазий дўна». 12.00 «Чоқиш». Т/с.

04.00 «Дарвин боласи». 04.30 «Салом, йшлар!».

05.00 «Кор алангаси». Т/с. 05.40 «Йшон психологияси».

06.30 «Салом, йшлар!» 07.10 «Дарвин боласи».

08.00 «Кор алангаси». Т/с. 08.40 «Йшон психологияси».

09.10 «Таджик кўрсакари». Т/с. 09.50 «ДЭХ».

10.00 «Дарв». 10.10 «Баркамоллик йўлидан».

10.30 «Катта ўйин». 11.10 «Йишадат фаршати».

11.30 «Мушқазий дўна». 12.00 «Чоқиш». Т/с.

04.00 «Дарвин боласи». 04.30 «Салом, йшлар!».

05.00 «Кор алангаси». Т/с. 05.40 «Йшон психологияси».

06.30 «Салом, йшлар!» 07.10 «Дарвин боласи».

08.00 «Кор алангаси». Т/с. 08.40 «Йшон психологияси».

09.10 «Таджик кўрсакари». Т/с. 09.50 «ДЭХ».

10.00 «Дарв». 10.10 «Баркамоллик йўлидан».

10.30 «Катта ўйин». 11.10 «Йишадат фаршати».

11.30 «Мушқазий дўна». 12.00 «Чоқиш». Т/с.

04.00 «Дарвин боласи». 04.30 «Салом, йшлар!».

05.00 «Кор алангаси». Т/с. 05.40 «Йшон психологияси».

06.30 «Салом, йшлар!» 07.10 «Дарвин боласи».

08.00 «Кор алангаси». Т/с. 08.40 «Йшон психологияси».

09.10 «Таджик кўрсакари». Т/с. 09.50 «ДЭХ».

10.00 «Дарв». 10.10 «Баркамоллик йўлидан».

10.30 «Катта ўйин». 11.10 «Йишадат фаршати».

11.30 «Мушқазий дўна». 12.00 «Чоқиш». Т/с.

04.00 «Дарвин боласи». 04.30 «Салом, йшлар!».

05.00 «Кор алангаси». Т/с. 05.40 «Йшон психологияси».

06.30 «Салом, йшлар!» 07.10 «Дарвин боласи».

08.00 «Кор алангаси». Т/с. 08.40 «Йшон психологияси».

09.10 «Таджик кўрсакари». Т/с. 09.50 «ДЭХ».

10.00 «Дарв». 10.10 «Баркамоллик йўлидан».

10.30 «Катта ўйин». 11.10 «Йишадат фаршати».

11.30 «Мушқазий дўна». 12.00 «Чоқиш». Т/с.

04.00 «Дарвин боласи». 04.30 «Салом, йшлар!».

05.00 «Кор алангаси». Т/с. 05.40 «Йшон психологияси».

06.30 «Салом, йшлар!» 07.10 «Дарвин боласи».

08.00 «Кор алангаси». Т/с. 08.40 «Йшон психологияси».

09.10 «Таджик кўрсакари». Т/с. 09.50 «ДЭХ».

10.00 «Дарв». 10.10 «Баркамоллик йўлидан».

10.30 «Катта ўйин». 11.10 «Йишадат фаршати».

11.30 «Мушқазий дўна». 12.00 «Чоқиш». Т/с.